




Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Бизнес кайфияти шархи

2023 йил IV чорак



Бизнес кайфияти шарҳи – Ўзбекистон Республикаси ҳудудларидағи иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик мұхити ва бандлык билан боғлиқ тенденцияларни муқобил индикаторлар орқали үзида ифода этади.



Ушбу шарҳ 2023 йилнинг IV чорагидаги мамлакатда шаклланган бизнес кайфиятини ўрганиши мақсадида 2024 йилнинг январь ойида Марказий банк томонидан ҳудудларда ўтказилган сўров натижалари асосида тайёрланди. Сўровда иқтисодиётнинг турли соҳаларида фаолият юритувчи икки мингдан ортиқ тадбиркорлар ижтимоий тармоқлар орқали иштирок этди. Бунда, тадбиркорлик фаолиятининг йўналишларини кенгроқ қамраб олиш орқали репрезентативликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Сўровнома ҳудудлардаги иқтисодий фаоллик, тадбиркорлик шароитлари ва мұхитига таъсир қилувчи омиллар, энергия истеъмоли ҳажми ўзгариши, юк ташишдаги кўрсаткичлар, соҳалардаги ишчи кучига бўлган талаб, бандлык даражаси, савдо ҳажми ҳамда соҳа истиқболи бўйича жорий ҳолат ва кутималарни аниқлаш бўйича саволлардан иборат.

Ҳар бир саволга бир неча жавоб вариантлари бириктирилган бўлиб, қатнашувчилар томонидан бир пайтниниг үзида улардан биттаси ёки бир нечтаси танланиши мумкин. Натижалар ҳар бир жавоб вариантини танлаганлар сонини умумий жавоблар сонига бўлиш ва алоҳида гурухлар бўйича вазнли коэффициентлар қўллаш орқали умумлаштирилган. Умумлаштирилган маълумотлар тақсимот қоидалари асосида таҳлил қилиниб, ўртача кўрсаткичлар билан таққосланилган.

Таҳлиллар мамлакатнинг турли ҳудудларидағи иқтисодий шароитларни қиёсий таққослаш ва уларнинг ўзгариши тенденцияларини сифат жиҳатдан ўрганиши имконини беради.

Умумий хулосалар

Тадбиркорлик мұхити

Сұровнома иштирокчилари жавобларига күра 2023 йилнинг IV чорагида мамлакатда тадбиркорлик шароитлари ва мұхити бироз яхшиланди. Хусусан, Самарқанд, Наманган, Андіжон ва Фарғона вилоятларида юқори ижобий бизнес кайфияти кузатилди.

Сұров иштирокчилари бизнес шароитлари яхшиланишига банк хизматлари сифати юқорилаши, кредит олиш имкониятлари ва рақобат мұхити яхшиланиши, лицензия ва гувоҳномаларни олиш соддалашганини сабаб сифатида күрсаттан. Шунингдек, солиқ маъмурчилиги, монополлашув даражаси, божхона тарифлари ва чекловлари бүйича эса ўзгаришлар сезилмаганлиги таъкидланган.

Иқтисодий фаоллик

IV чоракда тадбиркорлик шароитлари яхшиланиши фонида тадбиркорларнинг ёқилғи ва энергия истеъмоли, құшимча ишчи кучига талаби, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва буюртмалари ҳажми ҳам ортганлиги кузатилди. Аксарият тадбиркорлар юкларни ташиш ва кредит тўловлари ҳажми деярли ўзгармаганлигини маълум қилди.

Сўровда қатнашган бизнес вакилларининг тўлиқ қувватда фаолият олиб бормаганлигини билдирганлар улуши ўтган чоракка нисбатан кўпайди. Тадбиркорлар томонидан тўлиқ фаолият юритмасликка газ ва электр таъминотида узилишлар ортгани, автомобиль ёнилғиси нархи қимматлашгани ва солиқ тизимидағи қийинчиликлар сабаб бўлгани қайд этилди.

Бандлик

Жорий йилнинг IV чорагида ишбилармонларнинг аксарият қисмida ишчи кучига бўлган талаб ўтган чоракка нисбатан ортган. Ҳудудлар кесимида ишчи кучига талаб Самарқанд, Тошкент, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида, соҳалар кесимида эса фан-таълим, туризм, ишлаб чиқариш ҳамда майший хизматлар соҳаларида кўпайганлиги кузатилди. Құшимча ишчи кучига талаб фақатгина кичик тадбиркорларда (5 ва ундан камроқ ходимлари бор) ўзгармаганлиги кузатилди. Келгуси чоракда ҳам кичик бизнеснинг құшимча ишчи кучига талабида деярли ўзгариш бўлмаслиги билдирилди. Соҳалар кесимида құшимча ишчи кучига юқори эҳтиёж фан-таълимда вужудга келиши кутилмоқда.

Ҳудудлар кесимида Самарқанд, Наманган ва Қорақалпоғистон Республикасида құшимча ишчи кучига юқори эҳтиёж шаклланиши кутилмоқда. Аксинча, Сирдарё, Қашқадарё ва Тошкент шаҳридаги вакилларнинг кутилмалари ўзгаришларсиз қолмоқда.

Пул-кредит

Ушба даврда кредит олиш имкониятлари яхшиланганига қарамасдан аксарият тадбиркорларнинг қарз юкламалари чорак давомида ортмаган. Кредит ва улар бўйича фоиз тўловлар фақатгина йирик корхоналарда ортган.

Умуман олганда, аксарият тадбиркорлар келгуси чоракда кредит олишни режалаштиromoқдалар. Бунда, майший хизмат, фан-таълим, ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигида янги кредиттга юқори талаб шаклланиши билдирилди.

Истиқболлар

Тадбиркорларнинг келгуси чоракда аксарият жиҳатлар бўйича кутилмалари 2023 йил III чорагига нисбатан ижобий шаклланган. Шунингдек, яқин 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ҳамда бизнес истиқболларини ижобий баҳолаган иштирокчилар аксарият қисмни ташкил этган.



Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти

IV чоракда Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида сўровда иштирок этган аксарият бизнес вакиллари тадбиркорлик шароитлари яхшиланганини маълум қилдилар.

Сўровномада иштирок этган тадбиркорларнинг кўпчилиги банк хизматлари сифати ва рақобат мухити яхшиланганини, кредит ва лицензияларни олиш осонлашганини таъкидлади.

Тадбиркорлар томонидан божхона тарифлари ва чекловлари, газ ва электр таъминоти, монополлашув даражаси ва маъмурий аралашувлар ҳолати бўйича ўзгаришлар деярли сезилмаган.

Газ ва электр таъминоти яхшиланishi ва юкларни ташиш ҳажми ортиши фақатгина йирик корхоналар томонидан кузатилди.

Буюртмалар ҳажми юқори ўсиши 2023 йилнинг учинчи чорагидан буён давом этмоқда. Ушбу ижобий ўзгаришлар таълим ва молия соҳаларига тўғри келди.


Чорак давомида ўрта ҳажмдаги бизнесда кредит ва қарз тўловлари ошганлигини билдирганлар улуши аввалги чоракка нисбатан камайди (43 фоиздан 35 фоизгача).

Респондентларнинг 76 фоизи тўлиқ қувватларда ишламаганлиги кузатилди. Паст қувватларда асосан кичик ва якка тартиbdагi тадбиркорлар фаолият юритганлар.

Бунда, тўлиқ фаолият юритишга газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда автомобиль ёнилғи нархи қимматлашгани тўскىнлик қилган (1-расм).

Ўрта ва нисбатан юқори қувватларда қурилиш, тиббиёт ва умумий овқатланиш соҳа эгалари фаолият олиб боришган.

1-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)



Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгусида ёқилғи ва энергия истеъмоли ортиши бўйича ижобий кутилмалар мавжуд бўлиб, бунда юқори кутилмалар асосан, ташиш, умумий овқатланиш ва таълим хизматлари ҳиссасига тўғри келмоқда.

Юкларни ташиш ҳажмлари ортиши бўйича кутилмаларда ижобий тенденциялар сақланиб қолинган (2-расм).


2023 йилнинг иккинчи ярмида ишчи кучига талаб барқарор ўсишда давом этмоқда. Келгуси чоракда ишчи кучига юқори талаб таълимда шаклланиши мумкин. Аксинча, қурилиш ва қишлоқ хўжалигига ишчи кучига эҳтиёж аввалги чоракларга нисбатан бироз секинлашиши мумкин.

Аксарият бизнес вакиллари ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни режалаштирган. Улар орасида фан-таълим ва майший хизматлар соҳасида ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича кутилмалари яхшиланниб бормоқда. Тиббиёт, қурилиш ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларида кутилмалар пасайган.

Келгусида, кредиттага бўлган эҳтиёж ортиши кутилмоқда. Таълим соҳасида 90 фоиз респондентлар кредитларга эҳтиёжлари ортишини таҳмин қилмоқда.

Тадбиркорларнинг келгуси 3 йилда иқтисодиёт ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалари бироз камайган. Иқтисодиёт ва бизнес истиқболларни ижобий баҳолаганлар улуши 63 фоизни ташкил этди (III чоракда 68 фоиз). Ижобий кутилмалар асосан молия, таълим ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳалари вакиллари томонидан билдирилди.

2-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар (респондентлар улуши, фоизда)





Бухоро, Навоий, Самарқанд

2023 йил IV чорагида Бухоро, Навоий ва Самарқанд вилоятлари респондентларнинг 58 фоизи бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини қайд этди. Тиббиёт ва таълимда фаолият юритаётган тадбиркорларнинг бизнес кайфиятлари юқори ўсган (3-расм). Молия, ишлаб чиқариш ва туризм соҳа вакиллари кайфиятлари ўсиши секинлашган.

Чорак давомида банк хизматлари сифати, йўллар инфратузулмаси ва рақобат муҳити яхшилангани ҳамда кредит олиш жараёни соддалашгани таъкидланди.

Солиқ маъмурчилиги, божхона тарифлари ва чекловлари ҳамда газ ва электр таъминотида ўзгаришлар кузатилмаган. Рақобат муҳити ва йўллар инфратузулмаси яхшиланганини асосан ўрта ва йирик ҳажмдаги корхона эгалари сезишган. Тадбиркорларда ишлаб чиқариш ва кредитлар ҳажмлари III чорақдан буён юқори ўсиб келмоқда.

Қўшимча ишчи кучига талаб ўртача ҳисобда ўсган. Бунда, туризм ва таълимда меҳнат ресурсларига талаб қолган соҳаларга нисбатан юқорироқ шаклланган. Аксинча молия, ишлаб чиқариш ва савдо соҳаларида ишчи кучига талаб ўсиши бироз секинлашган.

Тадбиркорларнинг 79 фоизи сўнгги чорақда тўлиқ қувватда фаолият юритмаган. Ўрта ва юқори қувватларда асосан йирик корхоналар, хусусан, тиббиёт, ташиш ва майший хизмат вакиллари фаолият юритган (4-расм). Айрим кунларда тўлиқ фаолият юритмасликка асосан

3-расм. Соҳалар кесмида бизнес кайфияти омиллари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)

Соҳалар	рақобат муҳити яхшиланни	газ ва электр таъминоти яхшиланни	йўллар инфратузулмаси яхшиланни	кредит олиш инконяниети яхшиланни	банк хизматлари сифати яхшиланни	лицензиya ва узоҳномалари олиш соҳанашини	маъмурий арзашуввир чиқаранини	монополашув дарежаси чиқараниши	божхона тарифлари ва чекловлари кисчериши	солик меъбузличилини чиқараниши
ишлаб чиқариш	56	49	53	62	76	58	51	31	40	38
курилиш	45	32	41	55	64	55	27	23	27	23
кишлоп ҳўжалиги	57	52	69	64	76	72	57	48	60	38
майший хизмат	57	43	52	48	71	48	24	38	38	29
кафе-ресторан	45	24	45	62	71	60	36	29	45	24
ташиш хизмати	42	38	54	67	83	58	50	21	46	21
фан-таълим	55	41	55	62	83	59	48	45	45	38
тиббиёт	75	50	80	90	90	75	55	55	70	30
коммунал хизмат	38	34	62	62	69	48	41	41	34	34
туризм	65	46	50	58	85	62	50	58	42	46
апоқа ва ахборот	53	26	47	74	89	53	42	21	37	37
савдо	51	44	52	59	71	57	46	43	38	46
хунармандчilik	50	35	46	58	73	58	42	35	46	35
ўртacha	51	39	52	60	75	57	43	38	42	33

газ ва электр таъминотидаги узилишлар сабаб бўлгани қайд этилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Йирик ва ўрта ҳажмдаги тадбиркорлар ўз соҳаларида буюртмалар ҳажми ортишини кутмоқдалар.

Келгуси чорақда ёқилғи ва энергия ресурслари истеъмоли кўпайиши асосан тиббиёт, таълим, коммунал ва ташиш хизматларида кузатилиши мумкин.

Аксарият тадбиркорлар, хусусан, майший ва ташиш хизматлар вакиллари ўз соҳаларида юкларни ташиш ҳажмлари ортишини кутишмоқда.


Шунингдек респондентлар келгусида қўшимча ишчи кучига эҳтиёж ортишини билдирган. Ишчи кучига эҳтиёж асосан таълим, тиббиёт ва қишлоқ ҳўжалиги томонидан шаклланиши таҳмин қилинмоқда.

Буюртмалар ва ишлаб чиқариш ҳажмлари ортишини 60 фоизга яқин бизнес вакиллари кутишмоқда.

Қўшимча кредит олишга бўлган эҳтиёж асосан ўрта ҳажмдаги корхоналарда шаклланган ва бу асосан майший хизматлар ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларига тўғри келган.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 69 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболларини ижобий баҳолашмоқда. Ижобий кутилмалар ташиш ва майший хизматлар ҳамда тиббиёт соҳа вакиллари томонидан таъкидланди.

4-расм. Соҳалар кесмида фаолият юритиш даражаси (респондентлар улуши, фоизда)





Андижон, Наманган, Фарғона

2023 йил IV чорак давомида Фарғона водийсида бизнес юритиш шароитлари яхшиланганини сезган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан сезиларли ошди (48 фоиздан 64 фоизгача).

Хусусан, ҳунармандчилик, ишлаб чиқариш ва таълимда бизнес мұхити сезиларли яхшилангани қайд этилган.

Банк хизматлари сифати ўсиши, рақобат мұхити яхшиланиши, лицензия ва гувоҳномаларни расмийлаштириш осонлашгани тадбиркорлар томонидан юқори баҳоланди. Божхона тарифлари ва чекловлар, монополлашув даражаси ҳамда солиқ маъмурчилиги шароитлари борасида ўзгаришлар сезилмаган.

Газ ва электр таъминоти, йўллар инфратузулмаси ҳамда солиқ маъмурчилиги борасида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги фақатгина йирик корхоналар томонидан қайд этилди.

Чорак давомида ёқилғи ва энергия истеъмоли таълим, ташиш хизматлари, қурилиш соҳаларида ўсган. Юкларни ташиш ҳажми худудда ўзгармаган, қўшимча ишчи кучига талаб эса ўртacha ҳисобда ўсган. Ушбу даврда ишчи кучига талаб ўсиши асосан таълим ва ташиш хизматларида кузатилди.

Ўрганилган даврда соҳа вакилларининг ишлаб чиқариш ва буюртмалари ҳажми ўсган бўлса, кредит ва қарз тўловлари учинчи чорақдан буён ўзгармасдан келмоқда.

Бизнес вакилларининг 71 фоизи тўлиқ қувватда ишламаганлигини маълум қилган. Ўрта ва юқори қувватларда асосан алоқа, молия ва коммунал хизматлари вакиллари фаолият

юритган. Тўлиқ фаолият юритмаслик сабаблари сифатида газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда талабнинг етарли эмаслиги кўрсатиб ўтилди (5-расм).

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Аксарият тадбиркорлар ўз соҳаларида ёқилғи ва энергия истеъмоли ошишини кутишмоқда. Энергия истеъмоли юқори ўсиши таълим, ишлаб чиқариш ҳамда ташиш хизматларида кузатилиши мумкин.

Юкларни ташиш ҳажмлари ортишини тахмин қилаётган тадбиркорлар улуши аввалги чоракка нисбатан кўпайган.


Тадбиркорларнинг 58 фоизи қўшимча ишчи кучига талабнинг ошишини, хусусан, таълим, ишлаб чиқариш соҳаларида юқори талаб шаклланишини кутмоқда. Ҳунармандчилик ва коммунал хизматларида эса қўшимча ишчи кучига талаб шаклланиши бўйича кутилмалар III чоракка нисбатан пасайган.

Ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича кутилмалар нисбатан юқорилаган. Кутилмалар ўсишининг асосий улуши ишлаб чиқариш, тиббиёт ва молия соҳаларига тўғри келди (6-расм).


Қўшимча кредит олишни режалаштирганлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Бунда таълим, ишлаб чиқариш ва умумий овқатланиш соҳаларида кредитга талаб шаклланиши мумкин.

Сўровда қатнашган респондентларнинг келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий кутилмалари барқарор юқори сақланмоқда.

5-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)



6-расм. Ишлаб чиқариш ҳажмлари бўйича кутилмалар (жами респондентларнинг улуши, фоизда)





Қашқадарё, Сурхондарё

2023 йил IV чорагида Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида тадбиркорлик юритиш шароитлари яхшиланган. Бизнес юритиш шароитларида ижобий ўзгаришларни йирик бизнес эгалари кўпроқ сезишган.

Худудда банк хизматлари сифати ва рақобат мухити яхшилангани, маъмурӣ аралашувлар қисқаргани ва лицензия-гувоҳномаларни расмийлаштиришда енгилликлар берилгани фаолият юритишига ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Чорак давомида солик маъмурчилиги, божхона чекловлари, газ ва электр таъминотидаги муаммоларда ижобий ўзгаришлар кузатилмаган (7-расм).

Йирик тадбиркорлар томонидан маъмурӣ аралашувлар, божхона чекловлари ва монополлашув даражаси қисқаргани таъкидланган бўлса, кичик бизнес вакиллари кредит, лицензия ва гувоҳномаларни расмийлаштириш жараёнлари яхшиланганини қайд этишиди.

Ёқилғи ва энергия истеъмоли ҳамда юкларни ташиш ҳажмлари аксарият соҳаларда ўзгармаган бўлса, умумий овқатланиш ва таълимда ортган.

Қўшимча ишчи кучига юқори талаб асосан ишлаб чиқариш, қурилиш ҳамда умумий овқатланиш соҳаларида шаклланди.

Кичик ва йирик корхоналар томонидан ишлаб чиқариш ва буюртмалар ҳажми ортганилиги таъкидланган. Кредитлар ва қарз тўловлари чорак давомида ўзгармаган.

IV чоракда тадбиркорларнинг 72 фоизи фаолиятини тўлиқ юритмаганини билдирган.

7-расм. Корхоналар ҳажми бўйича бизнес кайфиятлари ўсиши факторлари (респондентлар улуши, фоизда)

Ходимлар сони бўйича корхоналар ҳажми	ракобат мухити	газ ва электр таъминоти	йўллар инфраструктураси	кредит олиш имкониятлари	солтиқ маъмурчилиги	лицензияларни расмийлаштириш	банк хизматлари	сифати	маъмурӣ аралашувлар	монополлашув даражаси	божхона чекловлар
5 ва ундан камроқ	52	34	44	58	33	50	68	44	44	39	
5-10	45	40	40	55	43	57	67	52	43	43	
10-20	37	63	37	63	32	74	68	58	47	53	
20-50	33	27	40	27	20	27	33	27	27	40	
50-100	40	60	60	40	40	20	40	40	40	40	
100 ва ундан юкори	50	50	50	50	40	70	60	80	60	70	
Ўртача	48	39	43	55	34	52	65	47	43	42	

Бунга, айланма маблағларининг етарли эмаслиги, талаб сустлиги ва солик тизимидағи қийинчиликлар каби омиллар салбий таъсир қилганлигини қайд этишган.

Ўрта ва юқори қувватларда фақатгина ҳунармандчилик ва тибиёт вакиллари фаолият олиб боришган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Мазкур ҳудуддаги аксарият тадбиркорлар келгусида ёқилғи ва энергия истеъмоли ўзгармаслиги ёки ортишини билдирган, бироқ ўларнинг улуши аввалги чорак натижаларига нисбатан бироз камайган (8-расм). Энергия истеъмоли пасайиши бўйича кутилмалар ташиш ва коммунал хизматлари вакиллари томонидан таъкидланган.


Шунингдек, юкларни ташиш ҳажмлари бўйича кутилмалар ўсиши асосан йирик тадбиркорлар томонидан қайд этилди.

Қўшимча ишчи кучига талаб ўртача ҳисобда ўсиши таҳмин қилинган. Талабнинг ўсиши асосан таълим ва умумий овқатланиш соҳаларида кузатилиши мумкин.

Қўшимча кредит олишни режалаштирганлар улуши аввалги чоракка нисбатан камайган бўлсада, барқарор юқори талаб сақланиб қолмоқда (ушбу кўрсаткчи IV чоракда – 49 фоиз, III чоракда – 54 фоиз).

Худуд тадбиркорларининг 69 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатнинг иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича ижобий ўзгаришлар кутишмоқда.

8-расм. Келгуси чорак бўйича кутилмалар (респондентлар улуши, фоизда)





Жиззах, Сирдарё

2023 йил IV чораги якуни бўйича сўровларда 51 фоиз респондентлар худудда бизнес юритиш шароитлари яхшиланганлигини қайд этишди (*аввалги чоракда 44 фоизга тенг бўлган*)

Худудда савдо, хунармандчилик, ташиб, майший хизмат, тиббиёт ва молия соҳаларида бизнес юритиш шароитларида ижобий ўзгаришлар бўлганлиги қайд этилган бўлса, қурилиш, қишлоқ хўжалиги, кафе-ресторан ва туризмда шароитларининг ёмонлашганлигини маълум қилганлар аввалги чоракка нисбатан кўпроқ бўлди.


Шу ўринда, худудларда рақобат муҳити ҳамда ўйлар инфратузулмаси яхшиланадиганлигини билдирганлар кўпчиликни ташкил этмоқда. Бунда, лицензия ва гувоҳномаларни олиш, солик маъмурчилиги, банк хизматлари сифати, божхона тарифлари ва чекловлар бўйича муаммолари мавжудлигини таъкидлаганлар улуши аввалги чоракка нисбатан камайди.

Чорак давомида буюртмалар ҳамда юкларни ташиб ҳажмида ижобий ўсиш кузатилди. Кўшимча ишчи кучига талаб шаклланганини билдирганлар аввалги чоракка нисбатан бироз кўпайди.

Худудда 44 фоиз респондентларда ишлаб чиқариш ҳажмлари ошгани маълум бўлди. Бунда савдо, майший хизмат, ишлаб чиқариш ва қурилиш соҳаларида ишлаб чиқариш ҳажмлари ўсиши қайд этилди.

Чорак давомида буюртмалар ҳажми кўпайган бўлиб, 46 фоиз соҳа вакиллари буюртмаларида яхшиланиш кузатилгани билдирилди (*аввалги чоракда ушбу кўрсаткич мас равиша 40 фоизга тенг бўлган*).

9-расм. Соҳалар кесмидаги фаолият юритиш даражаси (респондентлар улуши, фоизда)



■ 60 фоизгача ■ 60-100 фоиз

Савдо ва майший хизмат соҳаларида ташқари барча соҳаларда кредит ва қарз тўловлари ҳажми ўзгармаган. Бизнес вакилларининг 15 фоизи сўнгги чоракда тўлиқ қувватда ишлаган. Бунда ўрта ва юқори қувватларда кафе-ресторан, ташиб хизматлари, тиббиёт ва савдо соҳаси вакиллари фаолият юритишган (9-расм).

Тўлиқ қувватларда ишламаслик сабаблари сифатида айланма маблағларининг этишмаслиги, газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда талабнинг етарли эмаслиги келтирилган.

Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Келгуси чоракда энергия истеъмоли юқори ўсишини қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш ва савдо соҳаси вакиллари кутишмоқда.


Худуддаги тадбиркорларнинг 57 фоизи қўшимча ишчи кучига талаби ошишини кутмоқда. Қишлоқ хўжалиги, савдо, фан-таълим ва бошқа соҳаларда қўшимча ишчи кучига юқори талаб шаклланиши кутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги, савдо ва бошқа соҳаларда буюртмалар ҳажми ортиши ва шунга мос равишда юкларни ташиб ва ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини, шунингдек ишчи кучига талаби юқори шаклланишини маълум қилганлар кўпчиликни ташкил этди.

Келгусида тадбиркорларнинг 37 фоизи кредитга эҳтиёжи борлигини маълум қилди.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 54 фоизи (*III чоракда 54 фоиз*) келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо беришди (10-расм).

10-расм. Иқтисодиёти ва бизнес истиқболлари бўйича кутилмалар (жами респондентларнинг улуши, фоизда)





Қарақалпоғистон, Хоразм

Худудда тадбиркорлик билан шуғулланиш шароитлари яхшиланганини маълум қилганлар улуши 62 фоизга тенг бўлди (*аввалги чоракда ушбу кўрсаткич 56 фоизни ташкил этган*).

Мазкур даврда рақобат муҳити, кредит олиш имкониятлари ва банк хизматлари сифати ҳамда божхона тарифлари ва чекловлар яхшилангани маълум қилинди. Бироқ, бугунги кундаги солик маъмурчилиги ҳамда маъмурий аралашувлар фаолият юритишда салбий ҳолатлар сифатида қайд этилди.


2023 йилнинг IV чорагида аксарият соҳа вакилларининг буюртмалари ҳажми органини билдириллар. Бу ёқилғи ва энергия истеъмоли, ишлаб чиқариш ва юкларни ташиш ҳажмлари ўсишида ҳам намоён бўлди.

Худудда кафе-ресторан, майший хизмат, савдо ва бошқа соҳаларда ишчи кучига талаб юқори шаклланди. Алоқа ва аҳборот, молия ва қурилиш соҳаларида кредит ва қарз тўловлари ортган. Чорак давомида аксарият соҳаларда кредит тўловлари ўзгармаган.

Тадбиркорларнинг 26 фоизи юқори қувватда ишлаган (*аввалги чоракда ушбу кўрсаткич 33 фоизга тенг*).

Шу ўринда, айланма маблағларининг етишмаслиги, талабнинг нисбатан камрок бўлгани, газ ва электр таъминотидаги узилишлар ҳамда солик тизимидағи қийинчиликлар айрим соҳаларнинг тўлиқ қувватда ишламаслигига сабаб бўлди (11-расм).

11-расм. Айрим кунларда фаолият юритмаслик сабаблари (жами респондентларнинг улуши, фоизда)



Келгуси чорак бўйича кутилмалар

Сўровда қатнашган тадбиркорларнинг деярли учдан икки қисми энергия истеъмоли ошишини кутмоқда. Бунда ишлаб чиқариш, қурилиш ва умумий овқатланиш соҳаларида энергия истеъмоли юқори ўсишини билдиришди.

Аксарият респондентлар ўз соҳаларида буюртмалар ҳажми қўпайишини кутишмоқда. Шунга мос равишда, худудда ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишни режалаштирганлар ва юк ташиш ҳажмлари ортишини таҳмин қилганлар кўпчиликни ташкил этмоқда.

Ишлаб чиқариш, қурилиш, майший хизмат, кафе-ресторан, фан-таълим, тиббиёт, туризм ва молия соҳаларида келгуси ойларда буюртмалари ва ишлаб чиқариш ҳажмлари қўпайишини кутишмоқда.

Тиббиёт, коммунал хизматлар ва савдо соҳасидан ташқари қўплаб соҳаларда қўшимча ишчи кучига талаб ортиши маълум қилинди (12-расм).

Бизнес вакилларининг қўшимча кредитга талаби жонланиши кутилмоқда. Бунда, аксарият вакиллар туризм, қурилиш, умумий овқатланиш, тиббиёт ва қишлоқ хўжалиги соҳаларида кредит олишга қўшимча талаби ортишини билдириллар.

Сўровда қатнашган респондентларнинг 69 фоизи келгуси 3 йилда мамлакатимиз иқтисодиёти ва бизнес истиқболларига ижобий баҳо беришди (*аввалги чоракда ушбу кўрсаткич 65 фоизга тенг*).

12-расм. Соҳалар кесмидаги ишчи кучига талаб бўйича кутилмалар ўзгариши (респондентлар улуши, фоизда)

